**«ТАСДИҚЛАНДИ»**
«Ўзбекгеофизика» АЖ
Кузатув кенгашининг
2023 йил «25» июлдаги баёни

# “ЎЗБЕКГЕОФИЗИКА” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ҚОИДАБУЗАРЛИКЛАР ҲАҚИДА ХАБАРДОР ҚИЛИШ СИЁСАТИ

**Тошкент-2023**

**«УТВЕРЖДЕНО»**
Протоколом
Наблюдательного совета
АО «Узбекгеофизика»
от «25» июля 2023 года

# ПОЛИТИКА ИНФОРМИРОВАНИЯ О НАРУШЕНИЯХ АКЦИОНЕРНОГО ОБЩЕСТВА «УЗБЕКГЕОФИЗИКА»

**Ташкент-2023г.**

| | |
|---|---|
| **1. Умумий қоидалар** | **1. Общие положения** |
| 1.1 “Ўзбекгеофизика” АЖ (кейинги ўринларда – Жамият) ходимларининг Жамиятнинг Ахлоқ кодексида белгиланган юқори ахлоқ ва принципиаллик меъёрларига риоя қилишларини таъминлашга интилади.<br>Ахлоқ Кодексида барча ходимлар Кодекс меъёрларининг ҳақиқий ёки потенциал бузилиши ва бошқа ҳар қандай ноқонуний, қонунга хилоф, ахлоқсиз ёки хавфли ҳаракатлар тўғрисида виждонан хабар беришлари шарт эканлиги кўзда тутилган. | 1.1 АО «Узбекгеофизика» (далее – Общество) стремится обеспечить соблюдение работниками Общества высоких стандартов этики и принципов, изложенных в Кодексе этики Общества.<br><br>Кодекс поведения требует от всех сотрудников добросовестно сообщать о любых фактических или потенциальных нарушениях стандартов Кодекса ,и о любой другой незаконной, ***противоправной*** , неэтичной или опасной деятельности. |
| 1.2. Жамият қоидабузарликлар тўғрисида хабар бериш мақсади, қўлланилиши, мурожаат қилиниши лозим бўлган ваколатли орган, шунингдек, виждонан қилинган мурожаатлардан сўнг, хабар берувчининг ҳимоясини таъминлашни ушбу “Қоидабузарликлар ҳақида хабардор қилиш Сиёсати” (кейинги ўринларда – Сиёсат) билан тартибга солади.<br>Сиёсат Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киради. | 1.2. Компания регулирует цель, применение, компетентный орган, в который следует сообщать о нарушениях, а также защиту информатора после добросовестных обращений с помощью настоящей «Политики уведомления о нарушениях» (далее – Политика).<br><br>Политика вступит в силу после одобрения Наблюдательным советом сообщества. |
| **2. Сиёсатни қўллашнинг мақсади ва амал қилиш доираси** | **2. Цель и объем применения политики** |
| 2.1. Сиёсатнинг мақсади Жамият ходимларининг ўз хавотирлари ва тахмин қилинаётган қонунга хилоф хатти-ҳаракатлар ҳақида хабар бериш, шунингдек, “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлимига уларнинг ишида ёрдам бериш мажбуриятини мустаҳкамлаб қўйишдан иборат. | 2.1. Целью политики является усиление обязанности сотрудников Общества сообщать о своих опасениях и предполагаемых правонарушениях, а также оказывать помощь “Отделу по противодействию коррупции и комплаенс контроля” в их работе. |
| 2.2. Жамият ушбу мажбуриятларни виждонан бажарадиган ходимларни таъқиб қилинишини ҳимоялаш мажбуриятини олади. Сиёсат, шунингдек, ходимларга нималар ҳимояланган фаолият билан боғлиқ эканлиги, хабардор қилишнинг қайси каналларидан фойдаланиш кераклиги ва қандай истисно ҳолатларда ходим тегишли маълумотларни ваколатли ташқи томонга тақдим этиши мумкинлиги тўғрисида тушунтиришлар беради. | 2.2. Общество обязуется защищать от притеснений работников, добросовестно выполняющих данные обязательства. Политика также объясняет сотрудникам, что представляет собой защищенная деятельность, какие каналы уведомления использовать и в каких исключительных обстоятельствах сотрудник может раскрыть соответствующую информацию уполномоченной внешней стороне. |
| 2.3. Сиёсат анонимлик ва махфийлик масалаларини аниқлаштиришга қаратилган бўлиб, Жамият ариза берувчиларни ҳимоя қилиш ва қонунга хилоф хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ бўлган ҳар қандай таъқиб чораларига қарши курашиш чораларини | 2.3. Политика направлена на разъяснение вопросов анонимности и конфиденциальности, и описывает меры, которые принимает Общество для защиты заявителей и борьбы с любыми преследованиями, связанными с незаконным поведением. |

| | |
|---|---|
| тавсифлайди. | |
| 2.4. Ушбу Сиёсат Жамиятнинг барча ходимларига, шу жумладан Бошқарув органи аъзоларига нисбатан амал қилади. | 2.4. Настоящая Политика распространяется на всех работников Общества, включая членов органа управления. |
| **3. Асосий тушунчалар ва қоидалар** | **3. Основные понятия и правила** |
| 3.1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:<br><br>**белгиланган меъёрларга хилоф хулқ-атвор** - Жамият ходими томонидан Жамият Ахлоқ кодексига риоя қилинмаслигини англатади;<br>**ҳимояланган фаолият** - ушбу Сиёсатда кўрсатилган алоқа каналлари орқали потенциал меъёрларга хилоф хатти-ҳаракатлар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган хабар юбориш киради.<br>Ҳимояланган фаолият, шунингдек, Жамиятнинг “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлими (кейинги ўринларда – Комплаенс назорати бўлими) ходимларига уларнинг қонуний фаолиятида ёрдам беришни ўз ичига олади;<br>**таъқиб қилиш** - ҳимояланган фаолиятда иштирок этиши натижасида ариза берувчига тавсия этилган, таҳдид қилинган ёки унга нисбатан қилинган ҳар қандай бевосита ёки билвосита зарар етказиш ёки зарарли ҳаракатларни англатади. Таъқиб қилиш бошқалар қаторида, камситиб мурожаат қилиш, иш ҳақини ўзгартириш, лавозимни пасайтириш ёки бошқа жойга кўчириш ёки ишдан бўшатишни ўз ичига олиши мумкин;<br>**ходимлар** – ушбу Сиёсатнинг мақсадларидан келиб чиқиб, меҳнат шартномалари асосида (доимий, вақтинчалик ҳамда фуқаровий-ҳуқуқий тусдаги) ўз лавозим мажбуриятларини бажараётган Жамият ва унинг таркибий бўлинмаларининг барча ходимлари, шу жумладан Бошқарув органи аъзолари.<br>**ариза берувчи** – Жамиятнинг ҳимояланган фаолият билан шуғулланувчи ходими.<br>**коррупция –** шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;<br>**коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик** – коррупция аломатларига эга | 3.1. В настоящем Положении используются следующие основные понятия:<br>**поведение, противоречащее установленным нормам** – означает несоблюдение Кодекса этики Общества (работником общества);<br>**защищенная деятельность -** включает в себя отправку сообщений, содержащих информацию о возможных неправомерных действиях, по каналам связи, указанным в настоящей Политике.<br>К охраняемым видам деятельности также относится содействие сотрудникам “Отдел по противодействию коррупции и комплаенс контроля” Общества (далее –комплаенс-контроля) в их законной деятельности;<br>**преследование -** означает любой прямой или косвенный вред или вредное действие, рекомендованное, угрожающее или совершенное заявителю в результате участия в охраняемой деятельности. Преследование может включать, помимо прочего, дискриминационное обращение, изменение заработной платы, понижение в должности или перевод, а также увольнение;<br><br>**сотрудники** – все работники Общества и его структурных подразделений, в том числе члены органа управления, исполняющие свои обязанности на основании трудовых договоров (постоянного, временного и гражданско-правового типа) исходя из целей настоящей Политики.<br>**заявитель-** является работником Общества, занимающимся охраняемой деятельностью .<br>**коррупция -** незаконное использование служебного положения лица в личных интересах или интересах других лиц, в целях получения материальной или нематериальной выгоды, а также незаконное представление таких выгод;<br><br>**правонарушение, связанное с коррупцией,** - деяние, имеющее |

| | |
|---|---|
| бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;<br>**коррупцияга қарши курашишда фаол иштирок этиш** – тайёргарлик кўрилаётган, содир этилаётган ёки содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар бериш ёхуд ёрдам кўрсатиш;<br>**коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашиш** – Жамиятнинг “Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати”, “Ахлоқ” Кодекси ва “Манфаатлар тўқнашувини бошқариш Сиёсати” каби ички меъёрий ҳужжатлар ва соҳага оид қонунчилик талаблари ходимлар томонидан бузилганда, ўтказилаётган хизмат текшируви жараёнида бевосита кўмаклашиш;<br>**коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар** – Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг $61^1$, $193^1$ ва $193^2$-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар;<br>**коррупцияга оид жиноятлар** – Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 167-моддасининг иккинчи қисми «г» банди, 168-моддасининг учинчи қисми «в» банди, $192^9$ ва $192^{10}$, 205, 209-214-моддалари, 243-моддасида назарда тутилган жиноятларни мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиш ҳамда 301-моддасида кўрсатилган жиноятлар.<br><br>**алоқа каналлари** - “Ўзбекгеофизика” АЖ ва унинг таркибий бўлинмаларида мумкин бўлган қонунбузарликлар, шу жумладан, одоб-ахлоқ қоидалар ва коррупцияга оид ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ходимлар томонидан хабар бериш мумкин бўлган алоқа каналлари. | признаки коррупции, за совершение которого предусмотрена ответственность;<br>**активное участие в борьбе с коррупцией** – сообщение или оказание помощи в подготовке, совершения или совершений коррупционных правонарушений;<br><br>**оказать содействие в борьбе с коррупцией иным способом** - непосредственную поддержку в процессе служебной проверки при нарушении сотрудниками внутренних нормативных документов и требований отраслевого законодательства, таких как «Антикоррупционная политика», «Кодекс этики» и “Политику управления конфликтами интересов”;<br>**административные правонарушения, связанные с коррупцией,** - правонарушения , предусмотренные статьями $61^1$ , $193^1$ и $193^2$ Кодекса об административной ответственности Республики Узбекистан ;<br>**преступления, связанные с коррупцией, -** преступления, предусмотренные УК Республики Узбекистан, статья 167, пункт «г», статья 168, пункт «в» , статьи $192^9$ и $192^{10}$ , 205 , 209-214 , статья 243. использование и преступления, предусмотренные статьей 301 .<br><br>**каналы связи** - каналы связи, посредством которых сотрудники могут сообщать о возможных нарушениях законодательства, в том числе правил этики и коррупции, и других нарушениях в АО «Узбекгеофизика» и входящих в его состав подразделениях. |
| 3.2. Жамият ходимлари содир этилган ёки содир этилиши мумкин бўлган меъёрларга хилоф хатти-ҳаракатларнинг тахмин қилинган ҳолатлари ёки Жамиятнинг ривожланиш стратегияси ва нуфузига зарар етказадиган ёки етказиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳаракатлар ҳақида хабар бериши керак. | 3.2. Сотрудники Общества обязаны сообщать о предполагаемых случаях неправомерного поведения, которые были или могут быть совершены, а также о любых действиях, которые могут нанести вред стратегии развития и репутации Общества. |
| 3.3. Ушбу Сиёсат билан ҳимояланиш учун ариза берувчи маълумотларнинг тўғри эканлигига ишониш учун асосларга эга бўлиши керак. Била туриб ёлғон ёки чалғитувчи маълумотлар | 3.3. Чтобы быть защищенным настоящей Политикой, у заявителя должны быть основания полагать, что информация верна. Сотрудники, которые сознательно сообщают ложную или |

| | |
|---|---|
| ҳақида хабар берган ходимлар ариза берувчилар ҳисобланмайди ва шунинг учун улар ушбу Сиёсатда назарда тутилган ҳимоя билан таъминланмайди. Ёлғон маълумотни юбориш меъёрларга хилоф ҳаракатни ташкил қилиши ва шу тариқа “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлими томонидан текширилиши, шунингдек ушбу ҳолат тасдиқланган тақдирда, интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин. | вводящую в заблуждение информацию, не считаются заявителями и, следовательно, не получают защиты, предусмотренной настоящей Политикой. Предоставление ложной информации представляет собой нарушение Кодекса и может подлежать расследованию со стороны “Отдела по противодействию коррупции и комплаенс контроля”, в случае обнаружения, привлекаються к дисциплинарной ответственности. |
| 3.4. Жамият ходимларни улар таъқибдан ҳимояланишларини билган ҳолда ўз шубҳалари ёки хавотирлари ҳақида хабар беришга чақиради. Хабар берувчи ходимнинг шахсини аниқлаш Жамиятга шикоятнинг ишончлилигини аниқлашда ёрдам бериши мумкин. Шунингдек, маълум бир шароитларда ариза берувчи ходим ўзининг шахсини аноним қолишини ёки ошкор этилмаслигини талаб қилиши мумкин. | 3.4. Сообщество поощряет сотрудников сообщать о своих подозрениях или опасениях, зная, что они будут защищены от притеснений. Идентификация сотрудника, сообщившего, может помочь Обществу определить достоверность жалобы. Также при определенных обстоятельствах сотрудник-заявитель может потребовать, чтобы его личность оставалась анонимной или не разглашалась. |
| 3.5. Ҳеч бир ходим ўз мавқеидан фойдаланиб, бошқа ходимларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишига ёки ўз вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиши мумкин эмас. | 3.5. Ни один работник не может использовать свое положение для того, чтобы препятствовать другим работникам осуществлять свои права или выполнять свои обязанности. |
| **4. Сиёсатни амалга ошириш** | **4. Реализация политики** |
| 4.1. Ариза берувчи қоидабузарликлар тўғрисида “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлимига хабар бериши, “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлимида ваколатли шахс хабарларни қабул қилиш, керак бўлганда тегишли маълумот тақдим этиш ва ёрдам кўрсатиш, шунингдек, бундай хабарни олгандан кейин тегишли чоралар кўрилишини таъминлаши лозим. | 4.1. Заявитель должен сообщить о нарушениях в “Отдел по противодействию коррупции и комплаенс контроля”, уполномоченное лицо в “Отделе по противодействию коррупции и комплаенс контроля”, должно получать сообщения, предоставлять соответствующую информацию и оказывать помощь при необходимости, а также после получения такого уведомления, следует сообщить и обеспечить принятие соответствующих мер. |
| 4.2. Ваколатли шахс “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлими раҳбари томонидан тайинланади ва у билан яқин ҳамкорликда ишлайди. Ваколатли шахс ташкилотда хабардор қилиш жараёнлари ҳақида тегишлича билимларни таъминлаш, ҳар қандай хабарларни олиш ва бундай хабарлар тегишли мансабдор шахслар томонидан кўриб чиқилишини таъминлаш, шунингдек, хабарни тақдим этган томон билан алоқани сақлаб туриш ва бу борадаги янгиланишлардан хабардор қилиб туриш учун жавобгардир. | 4.2. Уполномоченное лицо назначается руководителем управления в “Отдел по противодействию коррупции и комплаенс контроля” и работает в тесном сотрудничестве с ним. Уполномоченное лицо несет ответственность за обеспечение надлежащего знания процессов уведомления организации, получение любых уведомлений и обеспечение проверки таких уведомлений соответствующими органами, а также поддержание контакта со стороной, подающей уведомление, и информирование ее об обновлениях в этом отношении. . |
| 4.3. Ариза берувчи қуйидаги усуллардан бири ёрдамида хабар жўнатиши мумкин: | 4.3. Заявитель может отправить сообщение одним из следующих способов: |

| | |
|---|---|
| - бевосита раҳбарга;<br>- Жамият Бошқарув раисига;<br>- Жамиятнинг Одоб-ахлоқ комиссияси раисига (тел. 71-286-24-06);<br>- ишонч телефон орқали -71-264-84-05;<br>- почта орқали - 100060, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Буюк келажак кўчаси, 5 уй (тел. 71-264-84-94);<br>- Жамият расмий веб-сайти орқали - https://www.uzbekgeofizika.uz;<br>- тўғридан-тўғри “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлимига (тел.: 99-370-01-07, электрон почта - anticorruption@uzbekgeofizika.uz);<br>- Жамият Кузатув Кенгаши ҳузуридаги “Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси” раисига;<br>- мазкур Сиёсатда кўрсатилмаган бошқа алоқа каналлари орқали юқори турувчи ташкилот ёки хуқуқни мухофаза қилувчи органларга. | -непосредственно руководителю;<br>-Председателю Совета Общества;<br>-Председателю Комиссии по этике Общества (тел. 71-286-24-06);<br>- по горячей линии -71-264-84-05;<br>- почтой - 100037, город Ташкент Мирзо -Улугбекский район, ул. Буюк келажак, 5 (тел. 71-264-84-94);<br>-Через официальный сайт общества – https://www.uzbekgeofizika.uz ;<br>- непосредственно в «Отдел по противодействию с коррупцией и комплаенс контроля” (тел.: 99-370-01-07, электронная почта - anticorruption@uzbekgeofizika.uz );<br>- Председателю «Комитета по противодействию коррупции и этике» при Наблюдательном совете Общества;<br>- вышестоящей организации или правоохранительным органам по иным каналам связи, не указанным в настоящей Политике. |
| 4.4. Тақдим этилган хабарларни тўғри текшириш ва баҳолашни осонлаштириш учун, имкон қадар хабарга қуйидаги маълумотлар киритилиши керак:<br>- содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин бўлган ҳодисани батафсил тавсифлаш;<br>- ҳодиса содир бўлган жой, вақт ва сана ёки қачон ва қаерда содир бўлиши мумкинлиги;<br>- ходисада иштирок этган шахс(лар)нинг исми ва лавозими ёки бошқа идентификация маълумотлари;<br>- хабарни топшираётган шахснинг исми ва лавозими, агар хабар аноним тарзда топширилмаган бўлса;<br>- хабар ёки шикоят тақдим этишга олиб келган сабаблар;<br>- хабар қилинган фактларнинг ишончлилигини тасдиқлайдиган мавжуд ҳужжатларга ҳаволалар. | 4.4. Чтобы облегчить надлежащую проверку и оценку представленных сообщений, насколько это возможно, в сообщение должна быть включена следующая информация:<br>-подробное описание события, которое произошло или может произойти;<br>-место, время и дата события или когда и где оно может произойти;<br>-идентификационная информация лица (лиц), причастного к происшествию;<br>-имя и должность лица, направившего сообщение, если сообщение отправлено не анонимно;<br>- причины, повлекшие за собой подачу сообщения или жалобы;<br>-ссылки на существующие документы, подтверждающие достоверность изложенных фактов. |
| 4.5. Агар ариза берувчи “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлимига хабар беришни истамаса, Жамият Бошқарув раисига ёки Кузатув Кенгаши хузуридаги “Коррупцияга қарши курашиш ва этика” Қўмитасига хабар бериши мумкин. Хабарни олгандан сўнг, тегишли қабул қилувчи дарҳол хабарни | 4.5. В случае нежелания заявителя отчитываться в “Отдел по противодействию коррупции и комплаенс контроля”, Общество может сообщить об этом Председателю Правления или Комитету по «Противодействию коррупции и этики» в присутствии Наблюдательного совета. После получения уведомления |

| | |
|---|---|
| “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлимига топшириши керак. Жамиятнинг бошқа ҳар қандай раҳбарига юборилган хабарлар дарҳол “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлимига ёки етказилиши керак.<br><br>Жамият алоқа каналлари орқали келиб тушган ариза ва мурожаатларни Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги ЎРҚ-445-сонли “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сонли “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий Низом”ни тасдиқлаш тўғрисидаги Қарорига ҳамда “Ўзбекгеофизика” АЖ ва унинг таркибий бўлинмаларида, тасарруфидаги филиалларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низом ҳамда “Ўзбекгеофизика” АЖга алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти ва “Ўзбекгеофизика” АЖда коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги Низом” талаблари асосида кўриб чиқилишини таъминлайди. | соответствующий получатель должен немедленно направить уведомление в “Отдел по противодействию коррупции и комплаенс контроля”. Сообщения любому другому лидеру сообщества должны быть немедленно переданы в “Отдел по противодействию коррупции и комплаенс контроля”<br>Обращения и обращения, поступившие по общественным каналам связи, регулируются Законом Республики Узбекистан «Об обращениях физических и юридических лиц» от 11 сентября 2017 года № ЗРУ-445, Законом Кабинета Министров Республики Узбекистан «Об утверждении типового положения о порядке работы с обрашениями физических и юридических лиц в государственных учреждениях и организациях с государственным участием» от 7 мая 2018 года № № 341, физических и юридических лиц в АО «Узбекгеофизика» и его структурных подразделениях, филиалах, находящихся в его ведении, а также по каналам связи АО «Узбекгеофизика» осуществляет рассмотрение на основании требований «Положения о приеме и рассмотрении сообщений о коррупционных действиях» и «Положения о приеме и рассмотрении сообщений о коррупционных действиях». Положение о порядке поощрения работников, сообщивших о коррупционном правонарушении в АО «Узбекгеофизика» или иными способами оказавших помощь в борьбе с коррупцией . |
| 4.6. Жамият аноним бўлмаган хабарларни иложи борича батафсил маълумот билан юборишни рағбатлантиради. Бу шикоятнинг асосли эканлигини аниқлаш учун кейинги ҳар қандай ҳаракатларда ёрдам беради. Ариза берувчи, шунингдек, ҳар қандай алоқа каналларидан фойдаланган ҳолда аноним равишда хабар юбориши ёки унинг шахси ошкор этилмаслигини талаб қилиши мумкин. Агар хабар берувчи шахс номаълум бўлса, ваколатли ходим хабар берувчининг шахсини ҳимоя қилиш учун барча саъй – ҳаракатларни амалга оширади. Акс ҳолда, Жамият ушбу Сиёсатда назарда тутилган ҳимояни таклиф қила олмайди. | 4.6. Сообщество рекомендует неанонимным сообщениям быть максимально подробными. Это поможет в дальнейших действиях по определению обоснованности жалобы. Заявитель также может отправить сообщение анонимно, используя любые каналы связи или попросить не разглашать свою личность. Если информатор неизвестен, уполномоченное должностное лицо приложит все усилия для защиты личности информатора. В противном случае Общество не сможет обеспечить защиту, предусмотренную настоящей Политикой. |
| 4.7. Жамият қонунбузарликлар ҳақида виждонан хабар берган ходимларга нисбатан ишдан бўшатиш, лавозимдан тушириш, камситиш, таъқиб қилиш каби тазйиқларга йўл қўйилмаслик ва | 4.7. Общество гарантирует, что сотрудники, добросовестно сообщающие о нарушениях, не подвергаются преследованиям, таким как увольнение, понижение в должности, дискриминация или |

| | |
|---|---|
| тақдим этилган маълумотлар бошқа ходимларга ёки учинчи шахсларга уларнинг розилигисиз ошкор қилинмасликни таъминлайди.<br>Жамият ўз ваколатлари ва мавжуд имкониятлари доирасида қоидабузарликка оид асосли ахборотни тақдим этган шахсларга доир маълумотларни махфийлигини таъминлайди, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.<br>Ариза берувчининг шахси максимал даражада ошкор этилмаган ҳолда кўриб чиқилади, ариза берувчи ўз шахсини ошкор қилишга розилик берган ва қонунчилик ҳужжатларида бошқача талаблар белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳолда, Жамият ариза берувчи шахсини ошкор қилишдан олдин уни хабардор қилиши шарт. | притеснение, а также чтобы предоставленная информация не разглашалась другим сотрудникам или третьим лицам без их согласия.<br>Общество обеспечивает конфиденциальность информации о лицах, предоставивших обоснованную информацию о нарушении, в пределах своих полномочий и имеющихся возможностей, за исключением случаев, предусмотренных законодательством Республики Узбекистан.<br>Личность заявителя будет считаться максимально анонимной, за исключением случаев, когда заявитель согласился раскрыть свою личность в иных случаях, предусмотренных законом. В этом случае Общество должно проинформировать заявителя, прежде чем раскрывать его личность. |
| 4.8. Жамият ариза берувчиларга муаммолар ҳақида хабар қилиш учун ушбу Сиёсатда кўрсатилган ички каналлардан фойдаланишни тавсия қилади. Ички хабардор қилиш Жамиятга инсофсиз ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш ёки белгиланган меъёрларга хилоф хатти-ҳаракатларга йўл қўйилмаслигини, шунингдек, таъқибдан ҳимоя қилинишини таъминлайди. | 4.8. Общество рекомендует заявителям использовать внутренние каналы, указанные в настоящей Политике, для сообщения о проблемах. Внутреннее информирование обеспечивает защиту Общества от недобросовестных действий или несоблюдения требований, а также защиту от преследований. |
| 4.9. Жамият алоҳида ҳолатларда, ариза берувчилар Жамиятга нисбатан четдан тахмин қилинаётган меъёрларга хилоф ҳаракатлар бўлиши мумкинлиги ҳақида хабар беришларини таъминлайди. Бундай ташқи хабардор қилиш ушбу Сиёсатда назарда тутилган ҳимоя билан таъминланиши учун ушбу хабар қуйидагиларнинг олдини олиш учун зарур:<br>- жамоат хавфсизлиги ёки саломатлигига жиддий таҳдидни юзага келишини;<br>- Жамият фаолиятига жиддий зиён ёки миллий ва халқаро ҳуқуқнинг бузилишини. | 4.9. В исключительных обстоятельствах Общество должно обеспечить, чтобы заявители сообщали Обществу о любых предполагаемых внешних нарушениях. Чтобы такому внешнему раскрытию была предоставлена защита, предусмотренная настоящей Политикой, настоящее уведомление необходимо для предотвращения:<br>- возникновения серьезной угрозы общественной безопасности или здоровья;<br>- Серьезный ущерб деятельности общества или нарушение национального и международного права. |
| 4.10. Ташқи хабарни тақдим этишга қарор қилган шахс, агар ушбу шахс бу ҳақида аноним равишда хабар бермаган бўлса, ушбу Сиёсатга мувофиқ ҳимоянинг таъминланишини учун юқоридаги шартларга қатъий риоя қилиши лозим. | 4.10. Лицо, решившее подать внешний отчет, за исключением случаев, когда это лицо сообщило об этом анонимно, должно строго соблюдать вышеуказанные условия в целях обеспечения защиты в соответствии с настоящей Политикой. |
| 4.11. Жамият ҳимоя қилинадиган фаолият билан шуғулланадиган ариза берувчиларни таъқиб қилинишини тақиқлайди. Агар | 4.11. Сообщество запрещает преследование заявителей, занимающихся защищенной деятельностью. Притеснения со |

| | |
|---|---|
| ходимлар томонидан таъқиблар аниқланса, интизомий жазога олиб келиши мумкин бўлган нотўғри хатти-ҳаракатлар сифатида баҳоланади. | стороны сотрудников, если они обнаружены, считаются проступком, за которым могут быть наложены дисциплинарные взыскания. |
| 4.12. Ўзига нисбатан таъқиб чоралари қўлланган деб ҳисоблаган ҳар қандай ариза берувчи юқорида кўрсатилган хабар бериш каналларидан фойдаланган ҳолда таъқиб қилинаётгани ҳақидаги даъвони тасдиқловчи барча маълумотлар ва ҳужжатларни “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлимига тақдим этиши керак. “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлими ваколат доирасида таъқибнинг олдини олиш, шунингдек, ариза берувчи билан алоқани сақлаб туриш ва хабар қилиш жараёни ҳақидаги маълумотларни янгиланишини таъминлайди. | 4.12. Любой заявитель, который считает, что он или она подвергся преследованию, должен предоставить всю информацию и документацию, подтверждающую заявление о преследовании, в “Отдел по противодействию коррупции и комплаенс контроля”, используя вышеуказанные каналы сообщения. В свою очередь “Отдел по противодействию коррупции и комплаенс контроля” предоставляет обновленную информацию о процессе предотвращения преследований в пределах юрисдикции, а также о поддержании контакта с заявителем и процессе подачи заявления. |
| **5. Жалб қилинган ходимларнинг ҳуқуқлари** | **5. Права задействованных сотрудников** |
| 5.1. Хабар предмети бўлган ёки бўлиши мумкин бўлган ходимлар, агар бундай хабарнома вазиятни аниқлаштиришга тўсқинлик қилмаса, уларга қўйилган айбловлар тўғрисида дарҳол хабардор қилиниши керак. | 5.1. Сотрудники, которые являются или могут стать объектом сообщения, должны быть немедленно уведомлены о выдвинутых против них обвинениях, если только такое сообщение не помешает расследованию ситуации. |
| 5.2. Қоидабузарликлар ҳақида хабар бериш ва кейинги тартиб-таомиллар шахсий маълумотларни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, ушбу маълумотлар амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича Жамиятнинг ички ҳужжатларида белгиланган қоидаларга мувофиқ кўриб чиқилади. | 5.2. Поскольку уведомление о нарушениях и последующие процедуры связаны с обработкой персональных данных, эти данные будут рассматриваться в соответствии с положениями, установленными действующими нормативными правовыми документами и внутренними документами Общества по защите персональных данных. |
| 5.3. Ушбу Сиёсат учун масъул “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлими ҳисобланади. “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлими Сиёсатнинг долзарблигини таъминлаш ва илғор тажрибаларни намойиш этиш учун жавобгардир. Ваколатли ходим Сиёсатнинг самарали қўлланилишини таъминлаш учун масъулдир. | 5.3. За настоящую Политику отвечает “Отдел по противодействию коррупции и комплаенс контроля”. А также “Отдел по противодействию коррупции и комплаенс контроля” отвечает за актуальность Политики и демонстрацию лучших практик. Уполномоченное должностное лицо несет ответственность за обеспечение эффективного применения Политики. |
| 5.4. Ҳар бир раҳбар ўзининг функционал жавобгарлиги доирасида ушбу Сиёсатга риоя қилиши, намуна бўлиши ва қўл остидаги ходимларга кўрсатмалар бериши шарт. | 5.4. Каждый руководитель в пределах своей функциональной ответственности должен соблюдать настоящую Политику, быть примером и давать указания подчиненным. |
| **6. Қоидабузарликлар ҳақида хабардор қилиш Сиёсати меъёрларига амал қилиниши устидан назорати** | **6. Мониторинг соблюдения Политики уведомления о нарушениях** |

| | |
|---|---|
| 6.1. “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлими Сиёсатни камида икки йилда бир марта ёки заруратга кўра вақти-вақти билан Сиёсатнинг мақсадлари йўлида зарур ўзгаришлар ва қўшимчаларни аниқлаш, шунингдек, амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва ички сиёсатга, Жамиятнинг тартиб-таомилларига мувофиқлигини таъминлаш учун қайта кўриб чиқади. | 6.1. Департамент “Отдел по противодействию коррупции и комплаенс контроля” пересматривает Политику не реже одного раза в два года или периодически по мере необходимости для определения необходимых изменений и дополнений к целям Политики, а также для обеспечения соблюдения действующего законодательства и внутренняя политика, процедуры Общества будут учитываться. |
| 6.2. Сиёсатга киритиладиган ҳар қандай ўзгаришлар Кузатув кенгашининг “Коррупцияга қарши курашиш ва этика” қўмитаси тавсиясига биноан Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади. | 6.2. Любые изменения в политике утверждаются Наблюдательным советом по рекомендации Общества Наблюдательного совета по “Противодействию коррупции и этике”. |